



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 9 июнь, № 116 (9287)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВЕРТИКАЛ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

2026 йилда республика олийгоҳларини 320 минг нафар талаба битириши кўтилмоқда.

Сўнгги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўлами сезиларли кенгайгани тўғрисида битирувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

Уларнинг бандлигини таъминлашда битирувчилар билан индивидуал ишлаш, уларни иқтисодиёт тармоқларидаги бўш иш ўринларига йўналтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, олийгоҳларда карьера марказлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини имтиёзли шартларда амалга ошириш бўйича "Келажакқа қадам" дастури йўлга қўйилган бўлиб, унинг доирасида 2025 йилда 6 миңдан ортиқ лойиҳалар учун 378 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бунинг натижаси-

да 8 миң нафарга яқин битирувчиларнинг бандлиги таъминланди. Тақдимотда 2026 йилда 8 миңдан зиёд лойиҳаларни молиялаштириш учун 500 миллиард сўм маблағ йўналтириш, 10 миңга яқин ёшларни банд қилиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Мазкур дастурни унда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларига қўшимча молиявий имкониятлар тақдим этиш орқали янада кенгайтириш тақлиф этилди.

Шунингдек, "TalabaExpo — 2026" касб кўргазмаларини иш берувчи ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этган ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам самарали ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Битирувчилар бандлигини таъминлашда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, йирик ҳўжалик бирлашмалари масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Барча жараёнлар бандликка кўмаклашувчи "career.edu.uz" платформаси орқали мониторинг қилиниб, бандликни таъминлаш масаласи маҳаллий ҳокимликлар даражасига туширилади. Натижада битирувчилар билан ишлашнинг вертикал тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, талабаларни иш билан банд қилишда олийгоҳ даражасида ишларни тизимли йўлга қўйиш бўйича янги механизмлар тақлиф қилинди.

Жумладан, барча олийгоҳларда карьера марказлари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, натижадорлига қараб раббатлантириб берилади. Марказлар фаолияти "Битирувчи сифати индекси" орқали баҳолашиб, энг юқори натижа кўрсатган 20 та олийгоҳнинг карьера марказларига 500 миллион сўмдан ажратилади.

Жорий йилда олийгоҳ миқёсида 360 та, факультетлар миқёсида 750 та меҳнат ярмаркалари

ҳамда ҳар бир йўналиш кесимида миңдан ортиқ иш берувчилар билан учрашувлар (воркшоплар) ташкил этилади.

Шунингдек, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнес юритиш учун мавжуд имкониятлар билан таништириш мақсадида барча олийгоҳларда Тадбиркорлик асослари фанини ўқитиш йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, олийгоҳларда талабаларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ташкил этилаётган спин-офф корхоналарига талабаларни жалб этиш, қаридаларнинг тегишли тармок корхоналарида филиалларини очиб, битирувчи лойиҳалари ҳимоясини иш берувчи корхоналарда ўтказишни кенгайтириш чора-тадбирлари белгиленди.

Дастур буюртма, мослашувчан аниқлаш асосида кадрлар тайёрлашга қаратилган мақсадли дуал

таълим шаклини ҳам йўлга қўйиш ташаббуси билдирилди.

Бунда талабгорларни дастурга қабул қилиш, тўлов-контракт микдорини белгилаш иш берувчи ҳамда олийгоҳ ўртасида ўзаро келишувга қўра амалга оширилиб, бундан ташқари талаба ўқишни тамомлашда сўнг уни иш билан таъминлашга қаратилган.

Тақлиф қилинган чора-тадбирлар ижросини сифатли ташкил этишда олийгоҳлар раҳбариятининг масъулиятини ошириш, уларнинг "KPI" кўрсаткичларида битирувчи бандлигининг таъминланганини асосий мезон сифатида белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз мутасаддиларга битирувчилар билан ишлашни самарали ташкил этиш, билдирилган ташаббусларни пухта ишлаб чиқиш, қўшимча иш ўринларини яратишда барча имкониятларни сифатбар этиш юзасидан топшириқлар берди.

## МИС САНОАТИДА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёевга мис саноатида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларининг бориши ва келгусидаги режалар юзасидан ахборот берилди.

Мис саноат, энергетика, электротехника, рақамли иқтисодиёт ва "яшил" тараққиёт учун стратегик хомашёга айланмоқда. Шу боис мамлакатимизда геология-қидирув ишларини кенгайтириш, мавжуд захираларни самарали ўзлаштириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил март ойида Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилган эди. "Ешлик-1" конини ўзлаштириш дастури доирасида 196 гектар майдонда барпо этилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,7 миллиард долларни ташкил этади. Фабрика тўлиқ қувватга чиққанидан сўнг йилга 60 миллион тонна маъданни қайта

ишлаш ва 900 миң тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Тақдимотда фабриканинг кейинги навбатларини ишга тушириш, технологик жараёнларни барқарор йўлга қўйиш ва режалаштирилган қувватларга ўз вақтида чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, янги шихиддаги шарли тегирилмон, флотация линияларини босқичма-босқич тўлиқ қувватга чиқариш бўйича аниқ график белгиланган.

Жорий йил якунига қадар 3-мис бойитиш фабрикасида рудани қайта ишлаш ҳажмини янада ошириш, барча асосий технологик занжирларни тўлиқ ишга тушириш ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.



## СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ОЧИҚЛИК ВА ҚОНУНИЙЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, одил судловга бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш, судлар фаолиятида очиқлик ва қонунийлиги таъминлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ходимларнинг касбий масъулиятини юксалтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борада нафақа судьяларнинг, балки қарийиб 4,8 миң нафарга яқин суд аппарати ходимларининг ҳалол ва пок фаолият юритиши ҳам доимий эътиборда бўлиши лозим.

Шу муносабат билан тақдимотда судларда комплаенс назоратини кучайтиришга қаратилган тақлифлар муҳома қилинди.

Суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Олий суд тарихида Комплаенс назорати хизматини ташкил этиш тақлиф этилди.

Мазкур хизмат тўғрисида Олий суд

раисига бўйсуниб, ҳудудий судлар ҳам фаолият олиб борувчи комплаенс инспекторларидан иборат бўлади.

Комплаенс хизмати коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш, уларнинг сабабларини бартараф этиш, ходимлар томонидан қонунчилик ва касб этикаси талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш билан шуғулланади.

Тақдимот давомида суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича қатор бошқа чоралар ҳам муҳома қилинди. Хусусан, судлар аппаратида хавфи юқори бўлган лавозимлар рўйхати тасдиқланади, хавф даражаси юқори жараёнларни рақамлаштириш ва инсон омиллини камайтириш чоралари қўйилади.

Судьялар учун манфаатлар тўқнашуви, даромад ва мол-мулк декларацияларини тақдим этиш ҳамда таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган электрон тизими ишга туширилади. Худди шундай тизим суд аппарати ходимлари учун ҳам жорий этилади.

Шунингдек, коррупция, шубҳали схема-лар ва интизом бузилишларига олиб келувчи хавфларни аниқлашга қаратилган электрон ахборот тизимлари ишга туширилади. Бу борада коррупция ҳақида хабар берган ходимларни ҳимоя қилиш, фуқаролар учун хавфсиз алоқа каналларини яратиш муҳимлиги таъкидланди.

2026 йил якунига қадар суд тизимида коррупцияга қарши барқарорлик бўйича диагностика ўтказилади. Судьяликка номзодларни тайёрлаш жараёнида уларнинг шахсий-профессионал ва коррупцияга қарши барқарорлигини баҳолаш амалиёти ҳам жорий этилади.

Суд ишларини автоматик тақсимлаш дастури тақомиллаштирилиб, ишларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш мезонлари аниқ белгиланади, жараён шаффофлиги таъминланади.

Суд аппаратида ишга қабул қилиш тизими ҳам тубдан янгиланади. У очиқ танлов, шаффоф тартиб-таомиллар ва меритокра-

тия тамойиллари асосида ташкил этилади. Номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва ҳалоллик сифатларини баҳолашнинг замонавий тизими жорий қилинади.

Ходимлар учун манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи фаолият ва тадбиркорлик билан шугулланиш, чет элда ҳисоббарча очиб қаби челловлар назарда тутилди.

Тақдимотда суд аппарати ходимлари учун ихтисослашган хизмат кийимини жорий этиш тақлифи ҳам қўриб чиқилди. Бу ходимлар масъулиятини, хизмат интизоми ва этика маданиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари суд тизимида шаффофлик, ҳалоллик ва адолат муҳитини мустаҳкамлаш аҳолининг суд ҳимоясига бўлган ишончини оширишнинг муҳим омилли эканини, тақлифларни пухта ишлаб чиқиш, комплаенс хизматида малакали кадрларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

## ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиса Танзила Норбоевнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бўлиб ўтган учрашувида маҳаллий вакиллик органлари фаолияти таҳлил қилинди ҳамда келгусидаги мақсадлар аниқлаштириб олинди.

### Муҳома

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш ҳамда халқ билан мулоқотнинг самарали механизmlарини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилётган ислохотлар марказида "инсон қадрли", "халқ манфаати" ва "очиқ давлат бошқаруви" тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда. Чунки депутатлар корпуси жойларда аҳоли муаммоларини ўрганиш, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда муҳим сиёсий институт сифатида фаол қатнашмоқда.

Натижада сессияларда қўриб чиқилаётган масалалар мазмуни ҳамда сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, депутатларнинг аҳоли билан мулоқотлари кенгайиб бормоқда. Сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган муаммоларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган, давлат органларига юборилган депутат сўровлари орқали қатор масалалар ечим топгани маҳаллий Кенгашлар-

нинг таъсирчанлиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, депутатларнинг "маҳалла еттиклиги" билан ҳамкорлиги асосида жойлардаги лойиҳалар ижросини ўрганиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида аниқлаш ҳамда уларнинг ечим юзасидан зарур чоралар қўришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувида маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини кўтариш, депутатлик назоратини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш масалалари ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, қарорлар қабул қилишда қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитишда тизимдаги муаммоларни масалаларнинг ечимига, аҳоли муносабатлари билан ишлаш ҳолатига эътиборни қаратиш, Кенгашларнинг назорат функциясини кучайтириш, депутатларнинг ташаббускорлиги ва аҳоли билан ишлаш фаолигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳома давомида маҳаллий вакиллик органлари, депутатлар ишлари янада самарали ташкил қилиш юзасидан Кенгаш раислари ва депутатларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

## ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.



### Фракциялар ҳаёти

Бизнес учун янада қулай муҳит яратилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда тад-

биркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳома қилинди.

Ушбу ҳужжат билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни дав-

лат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилиши назарда тутилмоқда. Хусусан, лойиҳада тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончинг ҳимояга олиниши, мулк дахлсизлиги, соҳага оид қонунчиликнинг барқарорлиги ва аниқлиги тадбиркорлик фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиленди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратиб, хусусийлаштириш натижаларини қайта қўриб чиқиш билан боғлиқ ташаббусларни чеклаш, соҳадаги мажбурий талаблар реестрининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш назарда тутилди.

Қизгин муҳома давомида фракция аъзоси Дилмурод Артықов лойиҳанинг аҳамияти ва зарурати юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



## ЯХШИ УРУФ — «HARDWARE», ТЎҒРИ АГРОТЕХНИКА — «SOFTWARE»

БУ — ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ТАБИАТ БАРҚАРОРЛИГИ БИЛАН УЙГУНЛАШГАН ТАМОЙИЛ

Бугун смартфон энг яқин ҳамроҳимизга айланган. Унинг қудрати кучли процессор, хотира, камера ва алоқа тизими билан боғлиқ. Агар смартфонда керакли дастурлар — "software" бўлмаса, унинг имконияти "ноль"га тенг. Қишлоқ хўжалигида ҳам худди шундай: яхши нав, сифатли уруғ, кучли генетика — бу "hardware", яъни "ақлли" қурилмадир. Лекин унинг имкониятини тўлиқ очадиган нарса — тўғри агротехника, сифатли парвартиш ва озиқлантириш тизими. Бошқача айтганда, булар уруғлик ва ўсимликнинг "software"сидир. Ана шу сабабли иқлим ўзгариши, сув танқислиги глобал муаммага айланган ҳозирги маҳалла қишлоқ хўжалиги экинлари уруғининг генетик имкониятини тўғри "ишга тушириш" алоҳида илмий-амалий маҳоратга айланмоқда.

### Илм ва инновация

Кейинги пайтда олимлар ҳам, амалиётчилар ҳам "эпигенетика" деган сўзни кўп ишлатмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эпигенетика деганда кўпчилик мурак-

каб лаборатория, ген, ДНК, молекула, ускуна ва формулаларни ўйлаш табиий. Аслида эса уни деҳқон тилида жуда содда тушунириш мумкин: ДНК — бу уруғнинг алифбоси, эпигенетика эса шу алифбодан қайси сўз қачон, қарерда ва қандай ўқилишини бошқара-

диган тартибдир. Бу жараёнда уруғдаги генлар ўз ҳолида қолади, аммо ўша генларнинг ишлаш тартиби ўзгариши мумкин. Бир ген вақтида "уйғонади", бошқаси вақтинча "сукут сақлайди", учинчиси "стресс" пайтида тезроқ ишга тушади.



# МИС САНОАТИДА ЙИРИК ЛОЙИХАЛАР

**←1** 3-мис бойитиш фабрикаси тўлиқ ишга тушган комбинатда мис концентратининг кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 2 минг 400 тоннадан 5 минг тоннага ошиши кўзда тутилган. Замонавий технологиялар жорий қилиниши ҳисобига энергия сарфи ва таннархи камайитириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имкони пайдо бўлади.

Тақдимотда 4-мис бойитиш фабрикаси лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида базавий инжиниринг ҳужжатлари тайёрланмоқда, қурилиш майдонида ер ишлари ва геологик бургилаш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳада 3-фабрика тажрибасини инобатга олган ҳолда технология ечимларни мақбул

лаштириш, энергия ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, халқаро инжиниринг компаниялари билан ҳамкорликда гравитация, флотация, концентратни қуриштириш ва қолдиқларни қуюлтириш, технологик занжирларини такомиллаштириш, хорижий молия институтларидан маблағ жалб қилиш учун лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Мутасаддиларга 4-мис бойитиш фабрикаси учун зарур ер майдонларини ажратиш, қурилиш майдонида тайёрлик ишларини давом эттириш, базавий инжиниринг ҳужжатларини белгиланган муддатда аяқунлаш ва лойиҳани босқичма-босқич ишга тушириш режасини аниқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

# ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ВА ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

**←1** Тақдимотда ушбу битим доирасида амалга оширилиши тақдир этилаётган чоралар ҳақида ахборот берилди. Мутахассисларни даволаш иши, стоматология, фармацевтика, профилактика, тиббий касб-ҳунар ва ҳамширалик олий таълими йўналишларида, магистратура ва аспирантурада ўқитиш, ҳарбий шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тиббийнинг илмий йўналишларида ҳамкорлик қилиш, семинар, конгресс ва симпозиумлар ўтказиш, ўқитувчи, маслаҳатчи, илмий ходим ва талабалар алмашинувни йўлга қўйиш, қўшма машғулотлар ташкил этиш, беморларни биргаликда даволаш ҳамда тиббий муассасаларини барпо этиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Тақдимотда мудофаа ишлари органларида қақурилувчиларни қайта этиш, тиббий ва қақуриш комиссиялари фаолиятини рақамлаштириш бўйича тақдирлар ҳам кўриб чиқилди. Мазкур жараён

ларнинг шаффофлиги ва тезкорлигини ошириш, фуқаролар учун қулайлик яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, мудофаа ишлари органлари фуқароларнинг ҳақини босқичма-босқич ошириш, ҳарбий хизматчиларга Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тураржой ижараси учун тўланадиган ҳар ойлик пул компенсацияси миқдорини кўпайтириш бўйича тақдирлар билдирилди.

Президентимиз қўшинларнинг

жанговар шайлиги ва тайёргарлигини ошириш, ҳарбий бошқарув ва таълим тизимига илгор тажрибаларни жорий этиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Мутасаддиларга ҳарбий таълим тизимидаги ислохотларни изчил давом эттириш, аскарларни касбга ўргатиш, уларни олий таълим муассасаларига тайёрлаш ва бунинг учун муносиб шартлошлар яратиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**Ў.А.**

# ЕВРООСИЁ МАКОНИДА ТАРАҚҚИЁТ УҒҚЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги иштироки ва нутқи мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий муносабатларидаги фазл позициясини яна бир бор намойён этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт модели, минтақавий ҳамкорлик, технология ривожланиши ва инсон капиталига таянадиган келажак стратегиясини атрафлича баён қилди.*

## Муносабат

Бугун Россия мамлакатимиз учун нафақат йирик иқтисодий ҳамкор, балки вақт синовидан ўтган стратегик шерик ва иттифоқчи ҳисобланади. Кейинги ўн йилликда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўн баробардан зиёд ўсиб, 13 млрд. долларага етди. Қўшма лойиҳалар портфели эса 50 млрд. доллардан ошди.



лаштириш камари”ни шакллантириш госяи. Ушбу ташаббуснинг моҳияти Евроосийё маконидagi давлатларнинг саноат, технология ва инновация соҳасидаги салоҳиятини бирлаштиришдан иборат.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳамкорлик энди фақат савдо муносабатлари билан чекланиб қолмасдан саноат кооперацияси, технологик ҳамкорлик, инновация ишланмалар ва инсон капиталини ривожлантириш каби стратегик йўналишларини ҳам қамраб олмақда.

Бу борада таълим соҳасига алоҳида урғу берилгани ҳам беҳиз эмас. Zero, ҳар қандай иқтисодий тараққиётнинг асосиди малакали кадрлар ва рақобатбардош инсон капиталли туради. Бугунги кунда Ўзбекистонда 32 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 15 таси Россиянинг нуфузли университетлари филиаллари.

Мазкур ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида фикр юритадиган бўлсак бунда Олимпиак ва Тошкент шаҳарларида ташкил этилган биринчи қўшма муҳандислик мактаблари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ташаббусни оддий таълим лойиҳаси сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки муҳандислик мактаблари келажакда юқори технологияли саноат учун зарур бўлган янги авлод мутахассисларини тайёрлашга хизмат қилади. Бу ерда талабалар назарий билим билан бирга замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, рақамли технологиялар ва инновация муҳандислик ечимларини амалиётда ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Президентимизнинг нутқида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кенг ўрин берилди. Айниқса, Ўзбекистонда биринчи гибрид атом электр станциясини қуриш лойиҳаси мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган энг муҳим ташаббуслардан яна бири — “Евроосийё технологик саноат-


бирлаштиришдан иборат. Бу тақдир ишлаб чиқариш кластерлари, технологик марказлар, таълим муассасалари ва илмий ташкилотларни ягона рақамли платформа орқали боғлашни назарда тутди. Энг муҳими, мазкур ташаббус технология яратидишдан тортиб, кадрлар тайёрлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга чиқарилган бўлган тўлиқ занжирни шакллантириш имконини беради. Бу госянинг стратегик аҳамияти шундаки, у Евроосийё ҳудудини фақат хомаш етказиб берувчи эмас, балки юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маконга айлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон эса ўзининг географик жойлашуви, ёш аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти билан мазкур жараённинг муҳим иштирокчиларидан бири бўлиши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Петербург халқаро иқтисодий форумидаги нутқи нафақат Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий ютуқлари, балки мамлакатимиз тараққиётининг келгуси стратегик йўналишларини ҳам аниқ кўрсатди. Илгари сурилган ташаббуслар инсон капиталли, замонавий таълим, инновация технологиялар, энергетика ва саноат кооперацияси асосланган янги тараққиёт моделининг мазмун-моҳиятини очиб берди. Энг муҳими, бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг Евроосийё иқтисодий маконидagi ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиётни шакллантириш ҳамда келажак авлодлар учун мустаҳкам тараққиёт пойдеворини барпо этишга хизмат қилади.

**Одильон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.**

# ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ

*Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрида амалий ташрифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан биргаликда Ўзбекистонда интеграциялашган атом электр станциясининг биринчи энергия блокни қуриш ишларига старт берди.*



Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг технологик, индустриал ва илмий тараққиётда янги босқични бошлаб беради, қолаверса, янги тармок — атом энергетикасини ривожлантириш учун асос яратеди.

Бугунги замон шиддати энергетик хавфсизлигини ҳамда иқтисодий бариқдор энергия билан таъминлаш учун бир неча энерготармокларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Хусусан, атом электр станцияси (АЭС) ҳам шулар қатори туради. Бунда иқтисодийнинг битта энергия манбаига боғлиқлиги йўқолади. АЭС базавий, яъни мўтадил, бир маромда электр энергияси ишлаб чиқаришга асосланган энергия манбаидир. Бошқа энергия манбаларининг ҳам ўрни бор, албатта. Лекин АЭС-ни ривожлантиришнинг аҳамияти катта.

Ўзбекистоннинг илк интеграциялашган атом электр станцияси Жиззах вилоятининг Фориш туманида, Туюк кўли яқинида барпо этилмоқда. Дастлаб фақат кичик қувватли станция режалаштирилган бўлса-да, Ўзбекистон ҳамда “Росатом” ўртасидаги келишувларга асосан лойиҳа кенгайтирилди.

Эътибор беринг, АЭС — углерод чiqиндиларисиз ишлаб чиқариш имконини берувчи, атмосферани инфоалантирмайдиган юқори самарали манба ҳисобланади. Станция республикадаги ўсиб бораётган саноат ҳамда аҳоли эҳтиёжлари учун кафолатланган узлуksиз электр энергиясини етказиб беради. Уран каби ядро ёқилгиси жуда кам сарфланади, аммо мислсиз катта энергия беради. Бир килограмм уран ёқилгиси бир неча минг тонна кўмир ёки табиий газга тенг энер-

гия ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, АЭС йил фасли ҳамда об-ҳаво шароитидан, яъни кўёш ёки шамол станцияларидан фарқи равишда, кеная кундуз бир маромда доимий энергия бера олади.

Шунингдек, АЭС атмосферага “иссиқхона газлари” чиқармайди. Бу мамлакатда ис газини ҳажмини сезиларли даражада камайитиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз уран хомашёсини тайёр маҳсулот — электр сифатида ички бозорда ишлатиш имконига эга бўлади ва табиий газ захираларини кимё саноати учун тежайди. АЭСнинг иқтисодий фойдаси жуда юқори бўлиб, электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг таннархи нисбатан барқарор ҳамда арзон бўлади. Чунки ядро ёқилгиси нархининг бозордаги ўзгаришлари станциянинг умумий харажатларига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Атом энергетикаси кўплаб соҳаларни ўз ортидан эргаштиради. Бу нафақат кадрлар тайёрлаш, балки иш ўринларини яратиш ёки замонавий қурилиш материалари ишлаб чиқаришни назарда тутди. Шу билан бирга, фундаментал илм-фан, ядро физикаси, муҳандислик каби юқори технологияли соҳаларнинг ривожланиши ва буюк кўплаб тармоклар тараққиётига тортиқ беради.

Атом электр станцияси юқори илмий салоҳият, илгор муҳандислик компетенциялари ва келажакда стратегик ёндашув рамзи бўлган тармокдир. Лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган атом электр станцияси мамлакатимизда энергия ишлаб чиқаришга улкан ҳисса қўлиши баробарида миллий иқтисодий, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мухими, истеъмолчиларни тоза энергия билан таъминлайди.

**Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўтариш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.*

## Сенаторлар — ҳудудларда

Хусусан, ишчи гуруҳ Янгиқўрғон туманидаги “Ҳадикент Келажак Тонги” агрофирмаси ҳудудида фаолият юритаётган “Сура Генерал Инвестментс” МЧЖда этиштирилмаган мевалар ва яратилган инфратузилма билан танишди.

Мазкур корхонада бугунги кунда 30 нафар доимий ҳамда 200 нафар мавсумий ишчи-ҳодимнинг бандлиги таъминланган. 260 гектар майдонда гилос, ўрик, шафтоли, оҳуғри ва олма боғлари яратилган. Корхона тасаруфидида минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга замонавий совмиш ombорхонаси мавжуд. Айни пайтда корхонада этиштирилган маҳсулотлар Сау-

дия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қирғизистон ва Россия Федерацияси каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ўрганиш давомида экспорт салоҳиятини янада ошириш, маҳсулотлар сифатини таъминлаш, халқаро талабларга мос ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда фитосанитар назорат тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ Уччи туманидаги “Уйчи Биосервис” МЧЖ лабораториясида ўсимлик карантини ва химияси тизими самардорлигини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди.

Бу ерда олтинкўз, трихогарма ва бракон каби фойдали ҳашаротлар этиштирилмоқда. Жорий мавсумда 11,7 млн. олтинкўз, 10,8 килограмм трихогарма ҳамда 2,8 млн. бракон энтомофаги кўпайтирилиб, галла ва гўза майдонларида зараркундаларга қарши биологик кураш тадбирларида самарали қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ аъзолари Косонсой туманида фаолият юритаётган “Чашма сафед” фермер ҳўжалигида ишлаб чиқариш жараёнлари, яратилган шарт-шароитлар ҳамда маҳсулот этиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш занжирини билан ҳам яқиндан танишди.

Чорвачиликка иктиссослаштирилган мазкур ҳўжалик томонидан 310 гектар майдонда сармалли фаолият йўлга қўйилган бўлиб, сутни қайта ишлаш қуввати 300 тоннани, озуқа-ем ишлаб чиқариш цехи қуввати эса 25 тоннани ташкил этади. Корхонада 55 та иш ўрни яратилган.

Шунингдек, “Уйчи парранда” масўлюяти

чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган паррандачилик кооперациясини ташкил этиш лойиҳаси ҳам кўздан кечирилди.

Кўйимати 50 млн. АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа вилоятнинг бир қатор туманларида замонавий паррандачилик комплексларини қуришни назарда тутди. Лойиҳа доирасида 50 та комплекс ташкил этиш ҳамда 500 нафар кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ўрганишлар жараёнида аҳоли билан ҳам самийий мулоқотлар ўтказилди ва юрдошларимиз дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда томорқа ерларининг аҳамияти, ундан унумли фойдаланиш орқали даромадларини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Қишлоқ ҳўжалиги самардорлигини янада кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тақдирлар ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ШҲТ аёллар овози: ЖАМИЯТДАН ХАЛҚАРО МАЙДОН САРИ

*Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 25 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенати ҳузуриндаги Ёшлар парламенти ҳамкорлигида “ШҲТ аёллар овози: жамиятдан халқаро майдон сари” мавзусида аёллар форуми ўтказилди.*

## Форум

Унда сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қўқистон ва Ҳиндустоннинг давлат, илмий ва жамоатчилик соҳаси ҳамда оммавий ахборот во-

ситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ШҲТ бош котиби ўринбосари Пиао Янфан хоним видеомурожаат билан очиб берди.

Форум давомида аёлларнинг илмий салоҳиятини кўлаб-қувватлаш, ёш олим ва тадқиқотчиларнинг халқаро ил-

мий ҳамкорликдаги иштирокини кенгайтириш, илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасида тажриба алмашишни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Турли мавзуларда бўлиб ўтган сессияларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаолигини ошириш, халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, таълим ва илмий фаолиятдаги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар юзасидан фикр алмашилди.

Форум доирасида Ўзбекис-

# ХАМКОРЛИК СЕНАТОР – ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ КУЗАТУВЧИСИ

*Куни кеча Арманистон Республикаси Миллий мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Унда МДҲ Парламентларида Ассамблеяси кузатувчилари миссияси таркибида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов иштирок этди.*

Хусусан, сенатор парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари билан яқиндан танишди. Сайлов куни қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнларини бевосита кузатиш ҳамда сайлов комиссиялари фаолияти, овоз бериш тартиб-таомиллари ва сайловчилар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганди.

Шунингдек, халқаро кузатувчилар миссияси дастури доирасида сенатор Арманистон Республикаси Миллий мажлиси раиси Ален Симонян билан учрашувда иштирок этди. Унда мамлакатда сайлов қўнуқчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар, сайловолди ташвиқотининг бориши, сиёсий партиялар учун яратилган шарт-шароитлар ва сайлов жараёнининг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинди.

Арманистон Маъмурий суди раиси Карен Заркян билан бўлиб ўтган учрашувда эса сайлов кампанияси давомидида юзага келаётган ҳуқуқий масалалар, ушбу жараёнга оид муражаатларни кўриб чиқиш амалиёти ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида суд органларининг ўрни юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЙЎЛЛАР ҚАЧОН РАВОН БЎЛАДИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Хусан Эрматов Фориш — Нурота йўлини реконструкция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирини сенатор сўрови юборди.*

## Сенатор сўрови

Маълумки, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ички туризмни кўлаб-қувватлаш максасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан байрам ва дам олиш кунлари сони оширилди. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб юрдошларимиз 4-5 кунлик дам олиш муддатининг икки кунини Тошкентдан ўзлари туғилиб ўсган ҳудудларга етиб боришга ва яна пойтахтга қайтишга сарфламоқда. Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларини кўя туройлик, ҳатто Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг пойтахтга яқин туманларига

бориш кўплаб фуқаролардан 6-7, баъзан эса 8 соатгача вақт талаб қилмоқда.

Бундай ҳолатлар нафақат байрам кунлари, балки оддий кунларда ҳам кузатилади. Жумладан, йўл-таъмирлаш ишлари сабабли айрим йўналишларда ҳаракатнинг бир томонлама ташкил этилиши кўплаб фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Сенатор сўровида айнан шу масала кўтарилган. Унда айтилишича, 2025 йил бошида Нурота — Фориш йўлида катта таъмирлаш ишлари олиб борилиши маълум қилинган, бироқ бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида ҳали ҳам маълумот берилмаган. Зотан, мазкур йўл фа-

кат нуротали ёки навоийликлар учун эмас, балки Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларидан пойтахтга йўл олган минглаб автомобиль эгалари учун қулай бўлиши керак. Шунда Самарқанд — Тошкент йўлидаги қатновлар саяёлашиб, Галларол тумани ҳудудидида доимий тирбандликни бартафорт этишга эришилди.

Шу муносабат билан транспорт вазирини қилиш қайси муддатда режалаштирилаётгани ва қанча транспорт оқимига мўлжалланаётгани, Тошкент — Самарқанд йўлидаги ортиқча юкмааларини енгиллаштириш юзасидан (янги пуллик йўлдан ташқари) қандай аниқ чоралар қўрилаётгани, байрам кунлари аҳоли дуч келаётган кўплаб муаммолар ечими юзасидан асосланган маълумот бериш сўралди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН

**←1** Депутат, шунингдек, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар эса кўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушунтириш бериб, билдирилган тақдирлар лойиҳани такомиллаштириш жараёнида эътиборга олинганини маълум қилди.

ралардан сўнг қонун лойиҳаси кўлаб-қувватланди.

## Юридик атама ва тушунчалар бирхиллаштирилади

**“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариштирилган

лик ҳужжатларида қўлланилган айрим тушунча ва юридик атамаларни давлат тилида ягона шаклда баён қилиш ва уларнинг юридик-техник жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунчилик ҳужжатларида фойдаланилган айрим тушунча ва юридик атамаларни ягона шаклда қўллаш ва уларнинг юридик-техник жиҳатдан тўғри баён қилинишини таъминлаш назарда туғувчи ўзгариштирилган киритиш тақдир этилмоқда.

Хусусан, “аванс” сўзини “бўнак”, “маркировка”ни “тамгалаш”, “маршрут”ни “йўналиш”, “светофор”ни “йўлчирик”, “коворкинг”ни “иш маркази”, “парол”ни “ўрон”, “прогрессив” сўзини эса “илгор” деб ўзгариштириш назарда тутилган.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси кўлаб-қувватланди.

## Суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши таъминланади

**“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида Президентимизнинг шу йил 4-5 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи ҳамда Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилишида иштирокнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбари форумидаги нутқида муҳим ташаббусларни илгари сурганини, бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янги технологик босқичга олиб чиқиш, савдо ва хизматлар соҳасида замонавий, қулай ҳамда самарали рақамли муҳитни шакллантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгариштирилган киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Амалдаги қонунчиликка биноан би-

### ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адабиётшуно олим, адиб ва таржимон, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Усмонович Ғағуров 89 ёшида вафот этди.



И. Ғағуров 1937 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни филолог — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Давлат бадий адабиёт нашриётида муҳаррир сифатида бошлаб, кейинчалик узоқ йиллар Ғағур Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим mudiri, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

И. Ғағуровнинг ижтимоий фаол ижодкор, чинакам маърифат фидойиси сифатидаги юксак фазилатлари у "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири бўлиб ишлаган йилларда яққол намоён бўлди. Филология фанлари номзоди И. Ғағуров ижодий ва ижтимоий фаолиятни педагогик билан уйғун ҳолда олиб бориб, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети сингари нуфузли олийгоҳларда талабаларга дарс берди ва юқори малакали филолог ва журналист кадрлар тайёрлашда ҳам жонбозлик кўрсатди.

И. Ғағуров мамлакатимизда кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантиришга ҳам муносиб хисса қўшди. У Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимларида самарали иш олиб борди. Ёрқин истеъдод, кенг билим ва тафаккур эгаси бўлган И. Ғағуров ўзидан бой илмий, адабий-бадий мерос қолдирди.

Унинг 60 йилдан зиёд меҳнат фаолияти мобайнида ҳассос адабиётшуно олим, донишманд адиб сифатида ўзбек адабиётининг долзарб назарий ва амалий масалаларига, хусусан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари улғу адиб ва шоирларимиз асарларининг бадий таҳлилига бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва рисоалари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари миллий маънавиятимиз хазинасига катта хисса бўлиб қўшилди.

И. Ғағуров инсоннинг қалб кечинмаларини, юксак гуманистик гоғларни таранум этаётган бадий ва публицистик асарлари, адабий-маърифий мавзудаги фильмлар учун ёзган сценарийлари билан ҳам адабиётимизда ўчмас из қолдирди. У жаҳон адабиётининг ўнлаб мумтоз намуналарини, хусусан, Ф. Достоевский, Г. Мопассан, Э. Хемингуэй, Г. Маркес, Ж. Жойс, Ч. Айтматов каби адибларнинг машҳур асарларини ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, бадий таржимачилик соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратди. Мохир сўз санъаткорининг серкўра истеъдоди Янги Ўзбекистон шариатида янада яққол намоён бўлди. У мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида умрининг охирига қадар фаол иштирок этиб келди. И. Ғағуровнинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" фахрий унвони, "Дўстлик" ва "Меҳнат шўхрати" орденлари билан мукофотланди.

Заҳматқаш олим, атоқли адиб, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Иброҳим Ғағуровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,  
А. АРИПОВ, С. САИДОВ, С. ТУРДИЕВ

# ЯХШИ УРУҒ — «HARDWARE», ТўҒРИ АГРОТЕХНИКА — «SOFTWARE»

## БУ — ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ТАБИАТ БАРҚАРОРЛИГИ БИЛАН УЙҒУНЛАШГАН ТАМОЙИЛ

Соддароқ тушунтирсак, уруғнинг уйғониши одамнинг эрталаб туришига ўхшайди: кимдир тонг ёришмасдан, яна кимдир кечроқ кўзини очса, баъзилар кун ёйилганда ҳам ғафлат босиб ётади. Генларни уйғотишдан қўзланган асосий мақсад аграр соҳада илмга, илгор инновацион ёндашувларга таянган ҳолда юқори натижага эришмоқдир.

Бир гектарлик пайкалга экин турига қараб минглаб, миллионлаб уруғ сепадилади. Агар ниҳоллар бир текис уммаса, даладаги ривожланиш ҳам кутулганидек бўлмайди: гуллаш, бошоқлаш ва ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам бир-биридан фарқланади. Бу ҳосилдорликка, сув сарфига, касалликка чидамликка ва йғим-терим сифатига таъсир қилади. Шу-

ерда ҳам ДНК ўзгармайди, нав бошқа навга айланмайди. Лекин ўсимликнинг ривожланиш дастурига нур орқали таъсир кўрсатилади, хос-лос. Амалиётда бундай ёндашув — тўғри тайёрланган уруғ туганак, тўғри агротехника, сув ва парвариш билан бирга қўлланилганда картошка ҳосилдорлиги катта фарқ бериши мумкин. Айрим майдонларда аввал 20 — 25 тонна ҳосил олинган бўлса, тўғри тайёрланган уруғ туганак ва тўлиқ агротехника билан 50 тонна ва ундан юқори натижалар кузати-лмоқда. Бу битта усулнинг эмас, бутун "software"нинг ҳосилдорлиги.

Пахтачилик йўналишидаги сўнгги ўзгаришлар ҳам эътиборга молик. Сабаби экин майдонлари қисқарган билан ялли ҳосил салмоғи ка-майгани йўқ, аксинча самарадорлик

дорлик ва маҳсулот сифатини оши-риши мумкин. Мана бунинг ҳам ҳақиқий аграр "software" дейиш мум-кин. Уша нав, уша ер, сув бериш тизими ҳам уша. Лекин ўсимликнинг муҳитни қабул қилиши ўзгаришти. Унинг ривожланиш дастури бошқа-ча ишга тушиши мумкин. Бу эса пах-тачиликка эртапишарлик, сув тежам-корликга, ҳосилга таъсир қилган ин-комониятларни очади. Албатта, қайси ранг қайси тупроқда, қайси навда, қайси иқлимда ва қайси экин муддатда яхши натижа бериши аниқ тажрибалар билан ўрганилиши ке-рак. Лекин энг муҳим нарса — биз энди ўсимликни фақат ўғит ва сув қабул қиладиган "объект" деб эмас, муҳит сигналларини ўқийдиган "ти-рик тизим" деб кўра бошладик.

Янги навлар, серҳосил линиялар,

на т и ж а н и кўриши — бу қиммат эмас, лекин билим-лаб қиладиган жараён. Шу маънода, бугунги дехқон шундайки ер ҳайқайдиган, уруғ сепади-ган, сув оча-диган оддий дала ишчиси эмас, балки ўсимликни тушунадиган, тупроқни ўқийдиган, иқлимни кузатадиган, те-хнологияни синаб кўрадиган билим эгасидир. Илгари "Қайси нав яхши?", "Қайси техника кучли?", "Қайси ўғит самарали?" деган саволлар кўпроқ берилган бўлса, энди саволлар кенг-гаймоқда: "Уруғ экишга тайёрми?", "Тиним даври бузилмаганми?", "Туп-роқда фойдали микроблар борми?", "Сувни қайси босқичда кўпроқ эки камроқ бериш керак?", "Плёнка ран-га ўсимликка қандай сигнал бера-пти?", "Бу маҳсулот инсон саломатли-ги учун хавфсизми?", "Технология туп-роқ ва сувга зарар етказмаптими?"...

Бу янги даврнинг замонавий фермерлари шакллантирилган кўрсатади.

Сўнгги йилларда "бозорбоп ма-ҳсулот", "экспорт", "даромад", "рен-табеллик", "кластер", "қайта ишлаш" каби тушунчалар қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўғри, соҳа даромади бўлмаса, дехқон ва фермер манфаат кўрмаса, ривожла-ниш юз бермайди. Аммо қишлоқ хў-жалиги фақат бозор учун ишласа, вақт ўтган сайн у инсондан узоқла-ши кетиши мумкин. Фақат фойдали йўлсак, сувни кўп сарфлашимиз, тупроқни зарарлатишимиз, сифатдан микдорни устун кўришимиз тайин.

Шунинг учун бугунги Ўзбекистон агр-рар тармоғи янги йўлни танламоқда: "HECI — Humanity", "Ethics", "Creativity and Imagination", яъни инсонийлик, ахлоқ, ижодкорлик ва тасаввур ёнда-шуви қишлоқ хўжалиги учун муҳим хусусиятга айланаётми. Бу — мах-сулот бозорбоп бўлсин, лекин инсон саломатлигига хизмат қилсин дега-ни. Бу — фермер даромад олсин, ле-кин тупроқ ва сув ҳам асарлсин де-гани. Бу — экспорт олсин, аммо ички озиқ-овқат хавфсизлиги унутилмасин дегани. Технология кирсин-у, лекин табиатга зарар қилмасин дегани. Бу — бугунги фойда эртанги авлод хўсисига бўлмасин дегани.

Ўзбекистон иқлими курук, сув ре-сурслари чекланган, айрим худуд-ларда тупроқ шўрлангани бор. Аҳоли

Гап шундаки, генетика уруққа им-коният берса, эпигенетик агротехни-ка шу имкониятни ишга туширади. Бошқача айтганда, генетика "hardware" бўлса, эпигенетик билим-га таянган агротехника "software" дир. Шунинг учун ривожланаётган мамла-катлар учун бу йўналиш жуда муҳим. Сабаби, фермерда қиммат лабора-тория ёки катта маблаг бўлмаслиги мумкин, аммо у уруғни тўғри сақла-ниш, вақтида уйғотиши, сувни оби-тобида бериши, тупроқ таркибини асраши, нур ва ҳароратнинг аҳами-ятини тушуниши керак. Ҳар бир агро-ном майдонда кичик тажрибани йўлга қўйиб, ишлов берилган ва бе-рилмаган уруғни таққослаш орқали

сонини ва озиқ-овқатга талаб ортиб бормоқда. Дунёдаги геосийёсий ва-зият, логистика, нарҳлар ва икли-мий ҳавф-овқат хавфсизлиги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда. Бундай шариотда биз фақат ер, сув ёки ўғит ҳисобидан эмас, кўпроқ би-лим, самарадорлик, аниқлик ва ма-сьюлянт ҳисобидан ривожланиши-миз керак.

Эпигенетик агротехника Ўзбеки-стон учун мавжуд навлар имкония-тин тўлиқроқ очади, уруғ сарфи ва нотекис унишни камайтиради, сув ва озуқа самарадорлигини оширади, стрессга чидамликни кучайтиради, фермерни тажриба, кузатув ва би-лимга яқинлаштиради. Бу йўналиш ин-лимий асосда тизимлаштириш ке-рак: ҳар бир вилоятда, ҳар бир асосий экин бўйича оддий дала таж-рибалари қўйилсин; совуққа сақлан-ган ва сақланмаган уруғлик, қизил нур берилган ва берилмаган картош-ка, турли рангли плёнкалар, биоло-гик ишлов берилган ва берилмаган уруғликлар таққослансин. Натижалар фақат "Ҳосил кўлайдими?" деган сав-ол билан эмас, "Илдиқ қандай ри-вожланди?", "Сув тежалдими?", "Ҳосил пишиши тезлашдими?", "Маҳсулот сифати қандай бўлди?", "Натижа кейинги йил ҳам такрорла-надими?" деган саволлар билан ба-ҳолансин. Илмий маъассалар эса ДНК метилланиши, ген фаолиги, стресс хотираси каби кўрсаткичлар-ни ўрганса, оддий фермер тажри-баси катта илмга айланади.

Эндиликда бизга селекционерлар, генетиклар, механизаторлар, ири-гаторлар, технологлар қатори аграр "software" яратувчилар ҳам керак. Ана шунда фақат янги навлар эмас, янги фикрлайдиган агрономлар ҳам пайдо бўлади.

Келажақ даласи фақат катта тех-ника юрадиган, дрон учадиган ёки сенсор ўрнатилган майдон эмас. Ўн-бунга, булар керак. Лекин келажақ даласи, аввало, тирик тизим сифати-да тушунилган дала бўлади: унда уруғнинг хотираси ҳисобга олинади, тупроқнинг нафаси асралади, сув ис-роф қилинмайди, нур ва ҳароратдан оқилана фойдаланилади, фойдали микроблар химоя қилинади, ҳайвон-га маҳсулот машинаси эмас, тирик мавжудот сифатида қаралади. Бун-дай далада бозор ҳам бор, даромад ҳам бор, экспорт ҳам бор. Лекин уларнинг устидан яна бир буоқ ма-қсад туради: инсон саломатлиги, та-биат барқарорлиги ва келажақ авлод ҳақи.

Ўзбекистон иқлими курук, сув ре-сурслари чекланган, айрим худуд-ларда тупроқ шўрлангани бор. Аҳоли

Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган аграр ислохотлар ана шу янги давр талабларига тўла мос келади. Илм-фанни қўллаб-қувватлаш, фермер ва дехқонга эркинлик бериш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, уруғчиликни ривожлантириш, рақамлаштириш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш — буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини илмга таянган, табиатни асрайдиган, фермерни бойитадиган ва халқ саломатлигига хизмат қиладиган тармоққа айлантирмоқда. Бунинг учун фермер англамоғи, уруғни оддий дон эмас, катта имкониятга эга акли "қурилма" деб билиши; сувни фақат намлик эмас, ўсимликка берилмаётган хабар деб тушуниши; нур, ранг, ҳарорат, тупроқ ва парваришни ўсимлик "software"сини бошқарадиган восита деб қабул қилиши керак. Шунда дехқончилик фақат касб эмас, илмга таянган ижодга, қишлоқ хўжалиги эса инсонийлик билан уйғунлашган таракқиёт мактабига айланади.

Иброҳим АБДУРАҲИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, академик.



### Жорий йил 1-чорак якуни:

аграр соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **63,4 трлн. сўми**, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **5,1 фоизни** ташкил этди. Биргина иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотлар ҳажми **102 миң** тоннадан ошди. Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши **8,4 фоизни** ташкил қилди.

### Йил якунига қадар:

тармоқда экспорт ҳажмини **4,5 млрд. АҚШ долларидан** ошириш мўлжалланган.

2026 йилда қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун турли манбалар ҳисобидан **52 трлн. сўм** (тахминан **4,3 млрд. АҚШ доллари**) ажратилади.



касаликка чидамли ўсимликлар, си-фатли пахта толаси, юқори ҳосилли гаалла, мева ва сабзавотларнинг янги турлари — булар селекция ва ге-нетиканинг маҳсули, албатта. Аммо бун-гун дунё янги ҳақиқатга олма-юз ту-рибди. Бу генетика билан агротех-ника ўртасида кўпирк яратиш зару-ратидир.

Гап шундаки, генетика уруққа им-коният берса, эпигенетик агротехни-ка шу имкониятни ишга туширади. Бошқача айтганда, генетика "hardware" бўлса, эпигенетик билим-га таянган агротехника "software" дир. Шунинг учун ривожланаётган мамла-катлар учун бу йўналиш жуда муҳим. Сабаби, фермерда қиммат лабора-тория ёки катта маблаг бўлмаслиги мумкин, аммо у уруғни тўғри сақла-ниш, вақтида уйғотиши, сувни оби-тобида бериши, тупроқ таркибини асраши, нур ва ҳароратнинг аҳами-ятини тушуниши керак. Ҳар бир агро-ном майдонда кичик тажрибани йўлга қўйиб, ишлов берилган ва бе-рилмаган уруғни таққослаш орқали

нинг учун уруғнинг бир вақтда ва барқарор униси — ҳосилдорликнинг бошланғич қалити. Шу боис олим-лар гаалла уруғларини экишдан ол-дин икки ой давомида +4 даража-лик ҳароратда сақлашни тавсия эт-ишади. Аввалига "Уруғни совиткича қўйишдан нима фойда?" деган гап-лар ҳам бўлди. Аммо бу усул ама-лиётда ўзини оқлади. Бу ердан гап оддий совитиш ҳақида эмас, уруғ-нинг ички уйғониш жараёнини тар-тибга солиш ҳақида кетмоқда. Янги йўли олинган гаалла уруғи хали тўлиқ "тайёр" бўлмағлиги, унда табиий ти-ним даври — "seed dormancy" сақ-лангани мумкин. Бундай уруғ дарҳол экилса, унинг бир қисми яхши уни-чқмайди ёки кеч унади. Уруғни +4 даражада икки ой сақлаш эса унинг бир хил пайтада уйғотади. На-тижада табиий ва моддий ресурслар тежалди.

Энг муҳим жиҳат, бу жараёнда нав, унинг ДНКси ўзгармайди. Ле-кин уруғнинг дастурий мўъжизаси — "software" тўғри йўлга қўйилиб, ге-ктарга қўшимча бир тонна ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш имкони пай-до бўлади. Демак, катта натижа ҳар доим қиммат технологияга эмас, тўғри тушунилган оддий илмга ҳам боғлиқ.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кар-тошка уруғи туганакларини экишдан олдин қизил нур билан ишлов бе-риш бўйича амалий тажрибалар олиб боришмоқда. Ушбу ёндашув куртак уйғониш, экин ўсиш маро-ми ва кейинги ривожланишини фаоллаштириши кузатиляпти. Бу

ошмоқда. Янги навлар танланаётган-ни, ерларни лазерли текислаш, том-чилатиб сугориш, кластерлар ва қайта ишлаш тизими — булар пах-тачиликни янги босқичга олиб чи-қмоқда. Эндиликда бу йўналишдаги инновацияларга яна бир аниқлик қўйишдан нима фойда?" деган гап-лар ҳам бўлди. Аммо бу усул ама-лиётда ўзини оқлади. Бу ердан гап оддий совитиш ҳақида эмас, уруғ-нинг ички уйғониш жараёнини тар-тибга солиш ҳақида кетмоқда. Янги йўли олинган гаалла уруғи хали тўлиқ "тайёр" бўлмағлиги, унда табиий ти-ним даври — "seed dormancy" сақ-лангани мумкин. Бундай уруғ дарҳол экилса, унинг бир қисми яхши уни-чқмайди ёки кеч унади. Уруғни +4 даражада икки ой сақлаш эса унинг бир хил пайтада уйғотади. На-тижада табиий ва моддий ресурслар тежалди.

Энг муҳим жиҳат, бу жараёнда нав, унинг ДНКси ўзгармайди. Ле-кин уруғнинг дастурий мўъжизаси — "software" тўғри йўлга қўйилиб, ге-ктарга қўшимча бир тонна ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш имкони пай-до бўлади. Демак, катта натижа ҳар доим қиммат технологияга эмас, тўғри тушунилган оддий илмга ҳам боғлиқ.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда кар-тошка уруғи туганакларини экишдан олдин қизил нур билан ишлов бе-риш бўйича амалий тажрибалар олиб боришмоқда. Ушбу ёндашув куртак уйғониш, экин ўсиш маро-ми ва кейинги ривожланишини фаоллаштириши кузатиляпти. Бу

# МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

ринчи инстанция судининг қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини юқори инстанция суди тўхта-тиб туриш ваколатига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 271 ва 294, 323-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди қўйи инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини теги-лиши илтимоснома асосида мазкур инстанцияда иш юришти тамомлани-нига қадар тўхтайтиб туриши мумкин.

Бироқ ушбу кодексда суд қарори ижросини тўхтайтиб туриш ҳақидаги ил-тимосномани рад этиш учун аниқ асослар белгиланмагани сабабли бун-дай илтимоснома тақдим қилинганда, юқори инстанция суди аксарият ҳол-ларда қўйи инстанция суди қарорининг ижросини тўхтайтишга тўғри кел-моқда. Мазкур ҳолат тадбиркорлик субъектларининг суд қарори асосида пул маблағларининг ундирилиши жа-раёнининг кечикишига сабаб бўляпти.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойи-ҳаси билан Иқтисодий процессуал ко-дексининг 271, 294 ва 323-моддалари-га ўзгариш киритиш тақлиф этилмоқда. Унга кўра, юқори инстан-ция судларига қўриб чиқилаётган иш-лар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтайтиб туриш суд ҳужжатининг қай-тарма ижроси қийинлашиши ёки им-консиз бўлиб қолиши асослаб берил-ган ҳолларда қўлланилиши белгилан-моқда.

— Қонун лойиҳаси фракциямиз йи-

гилишида атрофлича муҳокама қилин-ди. Айтиш жоизки, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар то-монидан берилган тақлифлар эъти-борга олинди, ҳужжат матнида акс эттирилган, — дейди фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов. — Унинг қабул қилиниши эса суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъ-минлаш, тадбиркорларнинг манфаат-ларини ҳимоялаш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатлар-ни янада кучайтиришга хизмат қила-ди. Ҳужжатнинг муҳимлигини эътибор-га олиб, уни қўллаб-қувватладик.

### Меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси янада кучайтирилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида "Фахрийлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборида қарорда бўлди. Муҳокама жараёнида депутат Фирдавс Шарипов биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳасидаги "Фахрий мақомини бекор қилиш ва ту-гатиш" деб номланган 6-модданинг иккинчи ўқишга тайёрланган тахрири-да "Фахрий мақомини бекор қилиш" деб ўзгартирилаётгани юзасидан изоҳ сўради.

Мутасаддиларнинг таъкидлашча, биринчи ўқишдаги тахрирда фахрий-лар топчасига кирувчи шахс вафот эт-ган ёки бедарак йўқолган деб топил-ган ҳолларда унинг фахрий мақоми тугатилиши назарда тутилган эди.

Кейинги тақомил-лаштиришлар нати-жасида мазкур ёнда-шув қайта кўриб чи-қилди. Энди фахрий мақоми тугатилмас-лиги, балки фақат ижтимоий химоя чо-ралари тўхтайтилиши белгиланмоқда. Яъни фахрий вафот этган тақдирда ҳам унинг мақоми умрбод сақ-ланиб қолиши кўзда тутилмоқда.

Ййгилишда, шун-ингдек, Сенатнинг "Халқаро меҳнат стандартлари мил-лий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбеки-стон Республикасининг Меҳнат кодек-сига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонунчилик тақлифи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, лойиҳада инсон-нинг тебиси ранги ёки сиёсий қараш-лари сабабли меҳнат ва машулот со-ҳасида чекловлар ёки имтиёзлар бел-гиланиши камситиш сифатида эъти-роф этилиши назарда тутилмоқда. Шу нуқтага назардан, Меҳнат кодексига "терисининг ранги" ҳамда "сиёсий қарашлар"ни камситиш белгилари қаторига киритиш мамлакатимиз зиммасига олган халқаро мажбу-риятларнинг мантикий давоми экани айтилди.

Шунингдек, ййгилишда "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат



рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасига қўшимча киритишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Жараёнда амалиётда кўчмас мулк-ка оид ижара ҳуқуқини давлат рўйха-тидан ўтказиш билан боғлиқ айрим ҳуқуқий ноаниқликлар мавжудлиги таъ-кидланди. Хусусан, бир йилдан ортқ муддатга тузилган ижара шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлса-да, ҳужжатларни қайси тараф — ижарага берувчи ёки ижарага олувчи тақдим этиши лозимлиги қонунчилик-да аниқ белгиланмаган.

Бу эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли мо-ддасида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллашда ҳуқуқий бўшлиқ-ни келтириб чиқармоқда. Қонун лойиҳаси билан мазкур масалага аниқ-лик киритилиб, агар ижара шартно-

масида бошқача тартиб белгиланма-са бўлса, биналар ва ишоотлар ижа-ра шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулкдор ёки унинг ваколатли вакили зиммасига юклатилиши тақлиф этилмоқда.

### Фахрийларни химоя қилиш — доимий эътиборда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййгилишида "Фахрийлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда фахрийларнинг ижтимоий химоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакат иж-тимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шар-оитлар яратиш борасида кенг қўлам-ли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, фахрийларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий химоясини таъ-минлаш ҳамда бу борада давлат орган-ларининг ваколатларини аниқ белги-лаш, уларнинг қонуний манфаатлари-ни химоя қилиш ва рўёбга чиқаришга жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таш-килотлар ҳамда фуқаролар иштироки-ни белгилувчи қонунчиликни тизим-лаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсиди ҳам фахрийларнинг давлат ва жамоат ҳаётидаги муносиб ўрни ҳамда обрў-эътиборини таъминлаш, уларни ижтимоий химоя қилишининг ташкилий,

иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини бел-гилашдан иборат.

Қонун лойиҳасида фахрийлар тои-фалари ва уларни белгиллаш

# ТИББИЁТДА СИФАТ БОСҚИЧИ

## Соғлиқни сақлаш тизими халқаро стандартларга ўтмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида бошланган ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Унинг навбатдаги босқичи соҳани бошқаришни такомиллаштириш, йирик инвестициявий майдонга айлантиришга қаратилган. Янги ташкил этилаётган тузилмалар ва халқаро стандартларга ўтилиши эса тиббиётни замонавий ҳамда юқори технология соҳага айлантириш йўлидаги стратегик қадам бўлаётгани қувонарли, албатта. Бу Ўзбекистон тиббиёт тизими ўз тараққийотининг янги нуқтасига келганини аниқлатади.

### Мушоҳада

Эндиликда ушбу тизим фақат бюджет маблағларига таянгандагина ижтимоий тармоқ эмас, балки йирик хорижий инвестицияларни жалб қилуви ва замонавий бизнес тамойиллари асосида бошқариладиган соҳага айланмоқда. Бу борада тузилмаётган янги агентлик — "Health Invest" акциядорлик жамияти ислохотларнинг асосий драйвери бўлиши кутуляпти. Аҳамияти шундаки, у хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун истиқболли лойиҳаларни тайёрлайди. Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларини бошқарувга бериш жараёнида эндиликда профессионал даражада, халқаро талаблар асосида ташкил этилади. Бу, ўз навбатида, давлат шифохоналаридаги хизмат сифатини хусусий сектор даражасига кўтариши имконини беради. Зеро, давлат тиббиёт муассасаларини корпоратив бошқарув тамойиллари асосида трансформация қилиш стратегияси тизимдаги энг катта янгиликлардир.

Тиббиёт соҳасида инвестициявий муҳитнинг яхшиланиши ҳамда "Health Invest" каби профессионал тузилмаларнинг пайдо бўлиши Ўзбекистоннинг минтақавий тиббий ҳабага айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Корпоратив бошқарув ва халқаро қурилиш меъёрларининг жорий этилиши натижасида яқин йилларда мамлакатимизда дунёнинг энг илғор клиникалари билан рақобатлаша оладиган тиббиёт масканлари барпо қилинади. Бу ислохотлардан қўзланган мақсад — ҳар бир фуқаро учун хавфсиз, шинам ва юқори технологияли тиббий хизматни таъминлашдир.

### Марказлашган бошқарувдан сифатга асосланган замонавий тизимга

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларда тиббиётни бошқаришнинг мутлақо янги модели — давлат ва хусусий секторнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги, қатъий сифат назорати ҳамда инвестициявий жозибадорлик тамойилларига эътибор қўйиштирилади диккатга сазовор.

Президентимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва хусусий сектор иштирокини

да консалтинг хизматларини кўрсатишга қўшни бўлди.

Тақдиротда белгиланган вазибалар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини марказлашган бошқарувдан сифатга асосланган ва рақобатга очик замонавий тизимга ўтказишда ҳал қилувчи қадам бўлади. Мазкур ислохотларнинг пировард мақсади эса аҳоли учун тиббий хизматларнинг яқинлигини, сифатини ва хавфсизлигини энг юқори халқаро стандартлар даражасига кўтаришдир.

Ислохотлар жараёнида сунъий интеллектни кенг жорий этиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Хусусан, соғлиқни сақлашда инсулт ҳамда кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш, тиббий кўрик жараёнларини автоматик баёнаштириш, рақамли тиббий ёрдамчи дастурларни татбиқ қилиш шулар жумласидан.

### Ислохотларга янгича суръат бераётган хужжатлар

Жорий йилнинг 5 май куни давлатимиз раҳбари томонидан соҳага оид қарор ва фармонлар имзолангани тиббиётни ривожлантиришга янгича суръат бағишлади, дейиш мумкин.

Хусусан, "Тиббиёт соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб бурилиш нуқтаси бўлди. Ушбу ҳужжатнинг бош ғояси — "Инсон қадри учун" маънавий асосида тиббий хизматларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча учун тенг, сифатли ҳамда хавфсиз бўлишини таъминлаш. Ҳужжатга қўра, энди давлат шифохоналари ҳам лицензияланади. 2030 йилга қадар 3 мингдан ортиқ давлат тиббиёт муассасалари бошқарма-босқич лицензиялаш талабларига мослаштирилади.

Республика даражасидаги шифохоналар 2027 йилгача, худудий шифохоналар 2028 йилгача, туман ва шаҳар даражасидаги муассасалар 2030 йилгача мажбурий лицензия олишлари шарт. Бу эса чекка қийшлоқдаги поликлиника ҳам, пойтахтдаги хусусий марказ ҳам аҳолига бир хил сифат стандартлари асосида хизмат кўрсатиши таъминланади, дегани. Шу йил июль ойидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида иختисослаштирилган тиббиёт таъминоти лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази иш бошлайди.

Ушбу марказ тиббий фаолиятни лицензиялашда шаффофликни таъминлаш билан бирга, ҳар бир тиббиёт ташкилотига ички сифат назорати тузилмаси бўлишини талаб қилади. Тиббий хизматлар сифатини электрон тизим орқали масофадан кузатиш боради.

Жорий йил 1 апрелдан бошлаб барча тиббиёт ташкилоти ахборот тизимлари ягона Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига интеграцияланади. Бу беморнинг касаллик тарихини исталган шифохонада кўриши имконини беради. Кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий сифатини он-лайн назорат қилишга замин яратилади. Қўғозбозлик ва ортқча бюрократияга чек қўяди. Қарорнинг яна бир аҳамияти шундаки, назорат тизимида ҳам янгича ёндашув жорий этилмоқда.

Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва тиббиётни чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу галги ислохотлар фақат-



Тиббиёт соҳасида инвестициявий муҳитнинг яхшиланиши ҳамда "Health Invest" каби профессионал тузилмаларнинг пайдо бўлиши Ўзбекистоннинг минтақавий тиббий ҳабага айлантириш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Корпоратив бошқарув ва халқаро қурилиш меъёрларининг жорий этилиши натижасида яқин йилларда мамлакатимизда дунёнинг энг илғор клиникалари билан рақобатлаша оладиган тиббиёт масканлари барпо қилинади. Бу ислохотлардан қўзланган мақсад — ҳар бир фуқаро учун хавфсиз, шинам ва юқори технологияли тиббий хизматни таъминлашдир.

гина даволаш жараёнини эмас, балки тизимни бошқаришнинг энг юқори бўғинларини трансформациялашни назарда тутди. Фармон билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги берилган қўшимча ҳуқуқлар соҳани жонлантириш учун хизмат қилади. Эндиликда

Юқорида келтирилган ҳужжатлар соғлиқни сақлаш тизимини марказлашган бошқарувдан бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтказишда навбатдаги муҳим босқич ҳисобланади. Хусусий секторнинг бюджет маблағларига киритилиши ва трансплантация каби мураккаб соҳаларнинг очилиши Ўзбекистонда тиббий туризмни ривожлантириш ҳамда аҳолининг сифатли тиббий ёрдам олишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Мадамин МАДАДИМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Сoғ'лиқни сақлаш вазирлиги**  
**TOSHKENT FARMASEVTIKA INSTITUTI**  
kafedralardagi quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

**Farmasevtika ishini tashkil qilish kafedrasini bo'yicha:** professor — 1, assistent — 2;  
**Dori vositalarining sanoat texnologiyasi kafedrasini bo'yicha:** assistent — 1;  
**Farmakognoziya kafedrasini bo'yicha:** kafedra mudiri, professor — 2, dotsent — 1;  
**Fizika, matematika va axborot texnologiyalari kafedrasini bo'yicha:** dotsent — 2, assistent — 1;  
**Farmakologiya va klinik farmatsiya kafedrasini bo'yicha:** kafedra mudiri, assistent — 2;  
**Tibbiy biologik fanlar kafedrasini bo'yicha:** katta o'qituvchi — 4;  
**Biotexnologiya kafedrasini bo'yicha:** dotsent — 3;

**Manzil: Toshkent shahri, Oybek ko'chasi, 45-uy. Telefonlar: 71-256-37-38, 71-256-38-50.**

**ЎЗБЕКИСТОН DAVLAT KONSERVATORIYASI**  
**QUYIDAGI KAFEDRALARGA TANLOV E'LOV QILADI:**

- Musiqi tarixi va tanqidi kafedrasini: professor — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin;
- Maksus fortepiano kafedrasini: professor — 2 o'rin;
- Musiqi nazariyasi kafedrasini: professor — 1 o'rin, dotsent — 2 o'rin, katta o'qituvchi — 2 o'rin;
- Xalq cholg'ularida ijrochilik kafedrasini: professor — 3 o'rin, dotsent — 2 o'rin, katta o'qituvchi — 2 o'rin;
- Kompozitorlik va cholg'ulashtirish kafedrasini: professor — 1 o'rin;
- O'zbek musiqasi tarixi kafedrasini: dotsent — 3 o'rin;
- Pufflama va zarbli cholg'ular kafedrasini: dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin;
- Akademik xor dirijyorligi kafedrasini: dotsent — 1 o'rin;
- Kamer musiqi kafedrasini: katta o'qituvchi — 1 o'rin, o'qituvchi — 2 o'rin;
- Akademik xonandalik va opera tayyorlovi kafedrasini: professor — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 2 o'rin;

Orkestr dirijyorligi kafedrasini: dotsent — 1 o'rin;

O'zbek tili va ijtimoiy fanlar kafedrasini: dotsent — 1 o'rin.

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim: — rektor nomiga ariza; — xodimlar shaxsiy varaqasi; — oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarining nusxalari; — o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati; — mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida O'zbekiston davlat konservatoriyasining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

**Manzil: 100027, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy.**

## Япониядаги «JA Kyosai» анжуманлар залида «Осиё фотографиялари: Марказий Осиё — Ўзбекистон ва Қозоғистон» фотосуратлар кўргазмаси очилди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 22 376 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олган учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Ташкил этилган кўргазмада тақриб 100 та фотографик асарлар тақдим қилинган. Ушбу кўргазмада кўрсатилган асарларнинг асосий қисми «Осиё фотографиялари» кўргазмасида тақдим қилинган. Кўргазмада кўрсатилган асарларнинг асосий қисми «Осиё фотографиялари» кўргазмасида тақдим қилинган.

**Манзил:** 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.  
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бахромова.**  
**Мусахҳас — Ш. Машраббеов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### Лаванда сайли

Наманган шаҳрида давом этаётган 65-халқаро гуллар фестивали манзиллари кун сайин кенгайиб бормоқда. Фестиваль доирасида Поп туманидаги лавандзорларга экотур ташкил қилинди. Унда юзлаб табиат ишқибозлари иштирок этди. Аянага айланган экосаёҳат илосмандлари доривор ва хушбўй ўсимликлар етиштирилаётган кенг майдонлар билан танишиб, лаванда парвариши, қайта ишлаш жараёнлари ҳамда унинг иқтисодий самардорлиги ҳақида батафсил маълумот олди.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, лаванда бир марта экилганидан сўнг кўп йиллар давомида ҳосил берадиган, юқори қийматга эга экспортбоп экин ҳисобланади. Айни пайтда тумандаги "Mehtorigo" масъулияти чекланган жамияти томонидан 40 млн. АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа доирасида 500 гектар майдонда доривор ўсимликлар етиштириш ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бепоеён тоғ ёнбағирларида барпо этилган лавандазор сайлга келган экотур иштирокчиларига унутилмас таассуротлар туҳфа қилди, — дейди Янги Наманган тумани ҳокими ахборот хизмати раҳбари Юлдуз Йўлдошева. — Бинафша ранга барқарор даладар ифори, бу ердаги соф ҳаво кўнглингизга ажиб тароват олиб қиради. Атрофдаги табиий гўзаллик суратга тушиб учун ўзига хос манзара сифатида ҳам кўпчилик эътиборини тортиди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

### Қайирманин «Ибратхона»си

Ховос туманидаги Қайирма маҳалласида очилган «Ибратхона» зиё маскани фақат кутубхонадан иборат эмас. Ушбу мўъжаз маданий-маърифий марказда тез орада турли тўғараклар ва курслар ҳам фаолият юритади. Оилавий ҳамшираларни тайёрлаш курси шулардан бири.



«Ибратхона» миздаги кутубхонанинг адабиёт фонди илк кунлардақ бойимокда, — дейди «Қайирма» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Ҳўжамуродов. — Маҳалламиз ахли ва бошқаларга раҳмат, улар деярли ҳар кун китоб туҳфа қилаётди. Айтганча, кутубхонамиз биноси учун ҳам катта харажат қилганимиз йўқ. Бундан бир

неча йил аввал, пандемия вақтида тиббиёт пункти қуриб маҳалламизга 2 та контейнер келтирилган эди. Қўлигул усталар ана шу контейнерларни бинойидек кутубхонага айлантирди.

«Ибратхона»нинг хоналари кенг ва шинам. Унда турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш имконияти бор. Маҳалла раисининг айтишича, ушбу масканда аҳоли ва аяллик, ёшлар иштирокида китобхонлик, билимдонлик ва бошқа йўналишларда танловлар мунтазам ўтказиб турилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

### Ёш тадбиркорнинг ҳомийлиги

Қўдала туманининг Шўрбозор маҳалласида яшовчи Улуғбек Холбоев 24 ёшда. У мактабни тамомлаб, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ва ўтган вақт мобайнида сезиларли ютуқларга эришди.



Қишлоқ ёшларнинг футболга меҳри баландлиги, аммо худудда талабга жавоб берадиган ўйингоҳ йўқлиги эса ёш тадбиркорни яна бир ташаббусга илҳомлантирди. Улуғбек ўзи таълим олган мактабга сунъий қопламали замонавий футбол ўйингоҳи қуриб берди.

Лойиҳа қиймати 300 млн. сўмни ташкил этган ўйингоҳда ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шўғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Севара Убайдуллаевага падари бузруквор.

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.